



Коммунист русларнинг Тошкентда ҳокимиятни кўлга киритиши ва Туркистоннинг бундан кейинги тақдири

Туркистондаги собик рус маъмурлари (чор Русияси ва Керенский амалдорлари) Тошкентда коммунистик зарбада фаол катнашдилар. Чунки шу йўл билан улар эски мавкеларини саклаб колмокчи бўлдилар. Туркистондаги ҳокимиятини янгидан ташкил қилиш учун руслар орасида ўзаро кураш давом этди. Шундай қилиб, октябрь инқилобидан сўнг Туркистондаги мустамлакачилик янги кўринишга эга бўлди (Сапаров. Колониальная революция, 67-6: «Рус инқилоби Туркистонда дархол мустамлакачиликка асосланган бир йўл тутиш мажбурияти олдида колди». Сапаров РКП МК буйруғи билан Туркистонда иш олиб борди. Шунга қарамай, ҳозирги шўро тарихчилари буни рад этмокдалар. Антропов РКП МК Ўрта Осиё ташвиқот шўъбаси томонидан нашр этилган (Что и как читать по истории революционного движения и партии в Средней Азии. - Самарканд-Тошкент: 1929, 20 - 23 б.) Сапаровнинг бошқа асарларини эса ҳеч қандай танқидий қарашсиз ўқишни тавсия қилади.). Туркистон болшевик инқилоби, асосан, «тўғридан-тўғри темир йўл бўйлаб давом этди». Туркистондаги рус темир йўли ишчилари коммунистик фикрнинг ашаддий тарафдорлари эди. Рус коммунистлари ўшаларга таянарди. Туркистонликлар эса на Тошкентда, на бошқа шаҳарларда коммунистлар

хокимиятни кўлга олишида иштирок этдилар (А. Трофимов, Первме шаги советов в Семиречье». - Алма-Ата: 1934, 4-6.: «Ерлик халк меҳнаткашларининг большевистик ходисаларга иштироки кай даражада эди? Асло иштироки йўқ эди!» 371-6.; «Октябрь инкилоби асносида ерлик халкнинг жиндек фаолияти хакида гапиришнинг иложи йўқ». Туркистонли тарихчи О. Кулиев шундай ишорат қилади: «Тошкентда, Чоржўйда ва бошқа шаҳарларда инкилоб мафкурачилари тўлик рус пролетарлари эди». Киёсланг: Материалы объединенной сессии. - Алма-Ата: 1958, 213-6.). Октябрь инкилобидан аввал Туркистонда саноат пролетариати бўлмаганидай, бу инкилобда иштирок эта оладиган бирор коммунист ҳам йўқ эди. Бинобарин, Туркистондаги инкилоб соф рус харакатининг ўзидир (Октябрь инкилоби ва шўро Русияси салтанатининг ёйилишига доир шўро ёзма хужжатлари анча муфассалдир. Шунинг учун уларни барчасини зикр этиш техник назардан иложсиз. Бу мавзуга оид энг йирик асар: А. И. Зевелов. Историография советского Туркестана. -Ташкент: 1968, 278 саҳифали.).

Бу ўринда Туркистондаги рус коммунистлари инкилоби жараёнини таҳлил қилиш ниятида эмаслигимизни аён қилмоқчимиз. Чунки шўро тарих илми ўз қараши нуктаи назаридан бу мавзунини кераклича ишлаб чиққан. Шўролардан ташқари бу мавзуга бағишланган илмий тадқиқотлар ҳам саноксиз (Туркистондаги октябрь инкилобига алоқадор, лекин Совет қарашларига мос келмайдиган, советлардан ташқарида яратилган илмий ишлардан намуналар келтирамиз: Хайит (Ярчек) Октябрь инкилоби ва Туркистон, МТ, 1951, №75, 9-13-6.). Туркистонни қайтадан, янгидаан Русия хоқимияти остига олиш учун русларнинг бу гал коммунистик гоё воситасида қандай иш тутганлигини ва бунга қандай эришилганини тушуниш учун ўрус коммунистларининг Туркистондаги имтиёзини атрофлича кўздан кечириш мақсадга мувофиқдир.

1917 йил 22 ноябрида Колесов, Тоболин ва Успенскийлар раҳбарлигидаги рус коммунистлари инкилоб анжумани (қўмитаси) Тошкентда хоқимиятни кўлга қиритди. Бу, албатта, бутун Туркистонда хоқимиятни кўлга қиритиш деган гап эмас эди. Шунга қарамай, Тошкент бутун Туркистонга коммунистик хоқимиятни тарқатувчи марказ бўлди. 1917 йил 15-22 ноябрида 114 рус иштирокидаги III шўро кенгаши Туркистон учун шўролар комиссарлигини таъсис қилди. Биронта туркистонликсиз ўтган бу конгрессда 36 комиссар сайланди (Туркистоннинг илк шўро ҳуқуматида бирорта туркистонликнинг ўзи йўқ эди. Киёсланг: Ш. Уразаев, Туркестанская АССР и ее государственное правовое особенности. - Тошкент: 1958, 57-6. Петроград. Русия халқ комиссарлари шўросига юборилган Тошкент).

Мазкур комиссарлар ўзларини хақиқий хоқимият деб ҳис қила бошладилар. Аслида, улар диктатордан бошқа ҳеч қиммас эди. Чунки ҳали Туркистонга мос идора усули масаласи ўртага ташланмасдан, Русия пролетариати диктатураси номидан фаолият бошлаб юбордилар. Бу комиссарлар рус аскарлари ва рус темир йўл ишчиларига суяна эди. 1917 йил 25 ноябрда «Халқ комиссарлари шўроси» Туркистон халқига Туркистонда хоқимиятни ўз қўлига олганликларини билдирдилар. Шўроларнинг 3 ва 4-кенгашлари (20-26 январь 1918 й.) ерлик халқдан ҳеч қимни инкилоб ташкилотларига қабул қилмаслик хақида қарор қабул қилди (Чоқайоглу. Туркестан под власти Советов. - Париж-Берлин: 1935, 15-6. Гордиенко, Творческая роль, 89-6. «Наша газета» («Коммунист» газетаси, - Тошкент: 14 июль 1918 й.) шундай ёзади: «Фотиҳ сифатида ўз мавқеларимизни тарқ қилолмаймиз... Маҳаллий аҳоли билан алоқаларимиз бир-бирига тенг қимсалар орасидаги алоқа бўла олмайди». Киёсланг: Гордиенко. Творческая роль, 96 - 97 б.). Коммунист руслар Туркистонни бошқариш ҳуқуқи факат ўзларига тегишли деб

хисоблардилар. Русия коммунистик партияси рахбарияти Туркистондаги ўртоқларининг килмишларига узокдан томошабин сифатида бокишди. Улар «халклар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақки» шиорини(Ленин, Сталин ва бошқа шўро дохийларининг машхур баёноtlари, партия қарорлари, ҳукумат кўрсатмаларини билиш учун қаранг: Boris Meissner, Sowjetunion und Selbstbestimmungsrecht, koln, 1962; Armaoglu, Boljevik Ihtilali, 211-250 б.) амалга оширишга шошилмасди. Гўё рус коммунистлари Шарқ мусулмонларига 1917 йил 3 декабрь чакиригини(Бу чакирик: «Мамлакатнинг ҳақиқий хўжайини бўласиз. Ўз хоҳишингизга қараб яшайсиз», шаклида эди. Тўлиқ матни учун қаранг: Hayit, Sowjetrussische Orientpolitik. 217 - 218 б.) ва 1917 йил 15 ноябридаги Ру халқ комиссарлари шўросининг 1917 йил 23 ноябридаги телеграф матнида қуйидагича дейилади: «Халқ комиссарлари шўроси сизларнинг қарорларингизни тадбиқ қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Қиёсланг: Победа октябрьской революции в Узбекистане, 578-6.

Халқларининг ҳуқуқлари билан боғлиқ баёнотни(Бу декларация билан гайри рус миллатларига мустақил давлат тузиш ва Русиядан ажралиб чиқиб ҳуқуқи ваъда қилинган эди. Шўро иттифоқида миллий сиёсат ҳақида гап кетса бас, ўша декларацияни ёддан айтиш одат тусига кирган.) унутгандай кўринарди. Туркистонда миллий асосга эга бўлган мухторият учун курашни йўққа чиқаришни шўро ҳукумати ўзининг асосий бурчи қаби қабул қилган эди. 114 коммунист бўлмаган руслар кенгаш уюштирган бир пайтда Тошкентда «Уламо ҷамияти» ташкил қилган, 515 вақил иштирок этган Мусулмонлар кенгаши ҳам иш бошлади. Бу кенгаш Туркистоннинг ўз-ўзини идора қилиши масаласи билан боғлиқ 14 моддадан иборат қарор қабул қилди(Тўлиқ матн: Hayit, Sowjetrussischer kolonialismus, 1965,20 - 21 б.). «Уламо ҷамияти» бошчиси Шерали Лапин шўро-рус кенгашига бориб, ҳокимиятни туркистонликларга топширишни талаб қилди. Рус салтанатининг янги кўриниши ва чоризм оқоваси бўлган бу шўро-рус кенгаши туркистонликлар талабини қатъиян рад қилди.

Туркистоннинг янги хўжайинлари 1918 йил 20-26 январда 4-кенгашини уюштириб, бошқа масалалар қатори Кўкон миллий мухтор ҳукуматига рақиб сифатида (атрофлича 9-бўлимда ёритилади) Туркистон мухторлиги масаласига эътибор қаратди. 1918 23 январда кенгаш Инкилобий социал-демократларнинг мамла-қатда пролетар мухторияти тузиш учун интилишларини ифодалаган» қарор қабул қилди(Гордиенко. Создание. 59-6.). Барча имкониятларни ишга солиб, Туркистоннинг Кўкондаги миллий мухтор ҳукуматини ағдариш лозимлиги уқтирилди. Зотан, қизил аскарлар 1918 йил 20 феввалида буни тўлиқ амалга оширишди. Туркистоннинг бу ягона маҳаллий ҳукумати ағдариб ташлангач, Туркистонга илдиз отган шўро ҳокимияти ва Русиянинг миллий озодлик ҳаракатига қарши кураш олиб боришдан бошқа иши қолмагани (Бу ҳақда 10-бўлимда алоҳида тўхталиб ўтилади).

Тошкент рус коммунистик ҳокимияти 1917 йил ноябридан 1918 йил охиригача «Халқ комиссарлари» деб аталди. Ундан кейин то 1918 йил апрелигача «Пролетар мухторияти» номи билан иш юритди. 20 апрелдан 1 майгача шўроларнинг 5-кенгаши бўлиб ўтди. РСФСР ҳукумати бу кенгашга телеграмма йўллаб, унда Туркистон учун шўроларга асосланган мухтор идора шаклини тавсия қилди.

Кўкон миллий мухтор ҳукумати тарқатиб юборилгач, коммунистлар Туркистонга қандай «давлат бичими» берилиши муаммоси ташвишида қолдилар. РСФСР ҳукумати Тошкентдаги ўзининг таъсирли вақилларига «Мухтор совет социалистик» макомини қабул қилишни маслаҳат бердилар. Шунга асосланиб, Тошкентдаги 5-шўролар кенгаши

1918 йил 1 майда Туркистон РСФСР таркибидаги «Мухтор совет социалистик жумхурият» деб расман қарор қабул қилди. 6-шўро кенгаши 1918 йил 15 октябрида Тошкентда Туркистон мухтор ССЖ учун ўқийлик (конституция) ишлаб чиқилди. Бу ўқийликда ўлка РСФСРнинг таркибий қисми эканлиги кескин ҳал қилинган. РСФСР ҳукумати кенгашининг «Туркистон социалистик жумхурияти РСФСРнинг мухтор бир қисми деб эълон этилиши ва РСФСРга тегишли Туркистон мухтор ССЖ номланиши қарор қилинган» қарори 1920 йил 17 августда қўрсатма берилиб (Уразаев, Туркестанская АССР, 62-6.).

Бу қўрсатмадан аниқ билиниши, Туркистон на бир мухторлик ҳукукига ва на бир мушаккиллашга эришди. Шўролар раҳбарияти мухторият ҳақидаги лўғийлар билан «буржуа миллатчиларига» (миллий ҳақ-ҳуқуқни ҳимоя қилганлар - муаллиф) ҳалокатли зарба берганлигига ишончи қатъий. Туркистонни Россия федерациясидан ажратиб олиш режаси шундай қўйилган. ССЖ бир мухториятининг номи «Туркистон» эди. Аммо у соф рус тузумига асосланган эди, чунки идора ишлари жилов руслар қўлида эди. Бу мухторият Россиянинг озгина янгиланган идора органи бўлиб қолди.

Мамлакатнинг давлат тузилиши борасида туркистонликлар ва руслар орасида сиёсий ва ҳарбий курашлар қўзғилиб қолганлигидан шўро Россия ҳукумати Туркистондаги вазиятни ўз қўлига олиши учун Россия коммунистик партияси номидан «Турккомиссия» ташкил қилиб қўйилди. Бу комиссия ўз диктаторлик бошқарув қўлига олиниб 1919 йил октябридан 1923 йил ўрталаригача шўро ҳокимиятини қўлайлаштириш, Туркистонни Россия билан мушаккамроқ боғлаш ва Россия билан шўро душманлари бўлган Туркистон миллий ҳаракатини йўқ қилишга астойдил қўйилди. Қўриқлар, Туркистондаги кураш синфий кураш ҳаракатига эга эмас, балки миллий кураш қўрилишига эга эди (1920 йил мартда Туркистон халқ комиссарлари шўросининг раиси сифатида тайинланган Рудзутак:

«Россиядаги кураш доим икки синф орасида: яъни пролетариат синфи билан феодаллар ва фабрикачилар синфи орасида кечган. Аммо Туркистонда бу кураш синфий доирага қўйилмай, миллатлар курашига асосланган эди». Қўйилган: Уразаев, Туркестанская АССР, 52-6.). Тошкентдаги рус раҳбарияти шўро Россияси ҳокимиятини қўлда сақлаб қоладиган даражада қўйилган эга эмас эди. Шунинг учун РСФСР ҳукумати 1919 йил 11 августда М.В.Фрунзе қўмондонлигидаги Туркистон жаҳонсини ташкил қилди. Бу жаҳон ихтиёрида Туркистонда ҳаракат бошлаб юрган беш армия (ўрда) бор эди. Туркистон тақдирини Турккомиссия ва Туркистон жаҳонсини халқ қўлига олиш эди. Шўролар 1923 йилга қадар Туркистондаги миллий-озодлик қўзғолонини (бошқаруш ҳаракатини) батамом қўйилди муваффақ бўлиб, яъни Туркистонни Россия томонидан иккинчи марта қўйилди олиш амалга оширилди. Рус шўро раҳбарияти оз сонли туркистонликларни ўзига қўйилди, ҳамкорлик қилишига муваффақ бўлиб. Бундайлар кейинроқ рус шўро ҳокимиятининг қўйилдида ўзига ҳос роль ўйнади. Шўро руслари «давлат ташкил қилиш» деб номланган қўйилдида Туркистонни бошқариш учун икки йўлни танлади: Собик Туркистон бош қўйилдида, Қўмонд миллий мухтор давлати қўйилди, Туркистон ССЖни қўйилди. Бу «жумхурият» 1918 йил 1 майдан ўлка қўйилди асосида қўйилди бўлинишига, яъни 1924 йилга қадар. Қўйилди (қўйилди) қўйилди учун қўйилди қўйилди бош қўйилдида 1919 йил 10 июлда «Инкилоб анжумани» (қўйилди) ташкил қўйилди. Кейинроқ бу бошқариш қўйилди, яъни 1920 йил 26 августда «Қўйилди (қўйилди) мухтор ССЖ» деб номланиб, РСФСРнинг таркибий қисми сифатида эълон қилинди (Инкилоб қўйилди ва Қўйилди мухтор социалистик жумхурияти тузилишига қўйилди қўйилди: История государства и права советского Казахстана, 1, - Алма-Ата: 1961, 143 - 174 б.). Шунини

Муаллиф:

29.02.2024 23:37 -

---

эътиборга молики, рус шўро рахбарияти шўролаштириш йўли билан Туркистонни янги шўролар императорлигига кўшиб олишга муваффақ бўлди(Туркистонда коммунистик тузум ўрнатиш ва бу мамлакатни қайтадан Русияга боғлаб қўйиш борасида рус шўро рахбариятининг фаолияти хақида қаранг. Уразаев, Ленин и строительство советской государственности в Туркестане. - Тошкент: 1967. (501 - 516 б.) «Туркистон мухтор шўро социалистик жумхурияти хақида юзларча монография, брошюра, хужжатлар ва мақолалар ёзилган». Бу жумхурият хақида (фан номзоди бўлиши учун) 120 диссертация ва ўттиздан ортиқ фан доктори илмий иш ёзган. Киёсланг: Гордиенко. Образование Туркестанской АССР, - Москва: 1968, 5-6.). Ҳар икки томондан қўп талафотларга олиб келган бу йўл осон йўл эмасди. Чунки чор Русияси давридаги каби шўро русларининг салафлари аввал Туркистоннинг миллий мавжудлигини давом эттириш орзусини зўрлик ёки бошқа воситалар билан (ташвиқот, баъзи туркистонликларга 1918 - 1919 йилларда шўро ташкилотларида ишлашга рухсат бериш, иктисодий-сиёсий тадбирлар ва бошқалар йўқ қилиб ташлаши керак эди. Аммо ҳаммага аёнки, Туркистонда шўро салтанати русларнинг қўлида бўлиб, бу сиёсат ҳозирги даврда ҳам ўзгарган эмас .

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой ораллигида" китобидан